

**СУНЪЙ
ИНТЕЛЛЕКТ**
МАИШЙ-ХАЁТИЙ
ЭХТИЁЖДАН
ТАЪЛИМ ЭХТИЁЖИГА
АЙЛНИШИ КЕРАК

4-бет.



ИЛОН МАСКНИНГ
ФАЗОВИЙ ИНТЕРНЕТИ:
**ТЕЗЛИК —
РАКЕТА,
НАРХЛАР —
ОСМОН**

6-бет.



NEURALINK НЕЙРОЧИПИ:
**ГАДЖЕТЛАР
ОДАМ МИЯСИГА
ЖОЙЛАШТИРИ-
ЛАДИ...МИ?**

8-бет.



ict.xabar.uz

Gazeta 1992-yil martdan chiqa boshlagan

Хабар

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

06 (1532)-son
11-fevral
2022

@xabaruzofficial
@xabaruzofficial
facebook.com/xabar.uz/

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI


www.xabar.uz

КАСБИ ТУМАНИДА 200 КИЛОМЕТРДАН ЗИЁД ОТАЛ ТОРТИЛДИ

Рақамли иқтисодиёт тараққиёти замонавий инфратузилманинг асоси – оптик толали алоқа линиялари орқали бугун мамлакатимизнинг чекка туманларидаги олис қишлоқ ҳудудларида ҳам акс этмоқда.

Бу борада “Ўзбектелеком” АК ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан республика бўйлаб аҳолини юқори тезликдаги интернет тармоғи билан таъминлашга қаратилган ишлар изчил олиб бориляпти. Жумладан, компаниянинг Қашқадарё филиали мутахассислари 2022 йилда вилоятнинг Касби туманига қарашли бир қанча олис ҳудудларга, хусусан, Новқат, Фазли, Пондирон, Оқтепа, Денов ва Назартепа қишлоқларига 22 километрдан зиёд оптик толали алоқа кабеллари тортиб боришди.

Умуман олганда, жорий йил бошидан буён вилоят бўйлаб аҳолига замонавий телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш имконини берувчи 200 километрдан зиёд оптик толали алоқа линиялари қурилган.



ЖАҲОН СМАРТФОНЛАР БОЗОРИ (2021 ЙИЛ)

(Сотилган қурилмалар сони, млн.)

1. Samsung – 271,5
2. Apple – 236,2
3. Xiaomi – 190,2
4. Vivo – 134,2
5. Oppo – 134,1
6. Realme – 58,1
7. Motorola – 48,0
8. Honor – 39,8
9. Huawei – 35,0
10. Tecno – 36,0

- Бошқалар – 161,1
- ЖАМИ – 1 388,8



Манба: Omdia

ВАЗИР ГРАНТИ

Ҳикоялар танлови ғолиблари
IT-марказларда ўқиш учун грант ютиб олди



Маълумки, 2021 йилнинг 20 декабр куни Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов “Ешлар форуми-2021” да иштирок этиб, “Вазир гранти” ҳикоялар танловини эълон қилган эди.

Танлов иштирокчилари ўз ҳаётлари ҳақида ҳикоя ёзиб, айнан нима учун IT-мутахассис бўлишни хоҳлашлари ва бу уларнинг ҳаётларини қандай яхшилашини айтиб беришлари, ғолиб бўлган ўн нафар энг яхши ҳикоя му-

аллифи IT-марказларда ўқиш учун грант ютиб олиш имкониятига эга бўлиши маълум қилинган эди.

Яқинда танлов натижалари бўйича ғолиблари аниқланди. Уларга мамлакатимиздаги исталган IT-марказда IT-му-

тахассисликлари бўйича бепул ўқиш учун сертификатлар тошпирилди. Эндиликда курсни муваффақиятли тамомлаган ўқувчилар ноутбук ютиб олишлари ва IT-компанияларга ишга жойлашишлари мумкин.


Welcome day

BPO SCHOOL

хорижий тажриба
ва юқори даромад

Фарғона шаҳрида якуний суҳбатдан ўтган BPO School тингловчилари учун Welcome day бўлиб ўтди. Унда АКТ вазирлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси, Фарғона вилояти ҳокимлиги, IT-Парк, TATU Фарғона филиали ҳамда RevoTech компанияси раҳбарлари иштирок этди.

Жорий йилнинг 13 январиди Фарғона вилоятида очилаётган BPO корхоналарига ишга жойлашиш истагида бўлганлар билан суҳбатлар ўтказилган эди. Суҳбатга жами 150та ариза келиб тушган бўлиб, улардан 50 нафари биринчи босқичдан ўтган. Уларнинг 22 нафари эса суҳбатнинг якуний босқичидан ўтгач, улар учун TATU Фарғона филиалида ўқув жараёнлари



бошланди. Улар BPO компаниясига ишга олин- шидан олдин университетда бир ойлик тренинг ва Тошкент шаҳрида амалиётдан ўтади.

Бўлажак BPO мутахассислар АКШда юк та- шиш машиналари бизнес жараёнини Фарғонада туриб бошқаришади. Шундай қилиб, улар ўз юртида хорижий тажриба ва юқори даромад олиш имкониятига эга бўладилар.



Жумадан
жумагача

Тошкент шаҳрида 3-4 феврал кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма учинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Парламент юқори палатасининг йиғирма учинчи ялпи мажлисида 20та масала, шу жумладан, 8та қонун кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 феврал куни Пекин шаҳрида XXIV қишки Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди. Тадбир хорижий давлатлар етакчилари, расмий делегациялар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирокида Пекиндаги “Қуш уяси” миллий стадионида бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 7 феврал куни қурилиш лойиҳалари тақдими билан танишди. Тақдимотда Президентимиз лойиҳаларни такомиллаштириш ва сифатли қуриш юзасидан кўрсатмалар берди. Тошкент шаҳрини ёндош ҳудудга кенгайтириш, янги қуриладиган мавзеларни инфратузилма ва транспорт кизматлари билан таъминлаш бўйича лойиҳа концепцияси ҳам кўриб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 8 феврал куни ҳудудларда ичимлик суви таъминотини яхшилаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Келгуси беш йилда бу соҳага 40 триллион сўм инвестиция жалб қилиб, ичимлик суви таъминотини 90 фоиз, оқова сув қамровини 35 фоизга етказиш режалаштирилган. Жорий йилда бу мақсадлар учун бюджетдан 2 триллион сўм ажратилади, 24,5 миллион доллар жалб этилади. Йиғилишда Давлатимиз раҳбари асосий эътибор сув таъминоти ва сифати паст ҳудудларга қаратилишини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожини билан яқиндан танишиш мақсадида 10 феврал куни Самарқанд вилоятига ташриф буюрди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган “Чорвачиликни янада ривожлантириш ва чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор эълон қилинди.

Шерзод ШЕРМАТОВ: IT-КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ИЛГОР ПЕДАГОГИК УСУЛЛАР ВА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАШ ЗАРУР



Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов жорий йилнинг 7 февралда Қорақалпоғистон Республикасига қилган хизмат сафари доирасида ҳудудда соҳа тараққиёти йўлида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди.

Жумладан, вазир иштирокида “Ўзбектелеком” АК Қорақалпоғистон филиалида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тизимдаги ташкилот, корхона ва мобил алоқа операторлари ҳудудий филиал ва бўлинмаларининг раҳбарлари қатнашди. Йиғилиш доирасида бугунги

кунда соҳада амалга оширилаётган ишлар ва шу йўналишдаги истиқболли режалар муҳокама этилди. Хусусан, тизимдаги ташкилот, корхона ва мобил алоқа операторларининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини такомиллаштириш, республиканинг олис ҳудудларини ҳам юқори тез-

ликдаги интернет билан қамраб олиш, алоқа ходимларига шароит яратиш масалалари кўриб чиқилди.

Соҳа раҳбари масъулларга республика аҳолисини сифатли телекоммуникация, мобил ва почта хизматлари билан таъминлаш бўйича топшириқлар берди.

Ташриф чоғида АКТ вазири Ш.Шерматов Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиалининг фаолияти ва келгусидаги режалари билан яқиндан танишиш мақсадида ушбу ўқув даргоҳида бўлди.

Дастлаб Ш.Шерматов бу ерда ташкил этилган IT-инкубация марказининг очилиш маросимида иштирок этди. Маросим давомида IT-инкубация марказида ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди. Мазкур марказ замонавий компьютер техникаси ва юқори тезликдаги интернет билан таъминланиб, дастурлаш, робототехника ҳамда шахмат-шашка хоналари ташкил этилган.

Шундан сўнгра ёшлар томонидан ихтиро қилинган ишланмаларнинг тақдими бўлиб ўтди. Соҳа раҳбари уларни келгусида реал лойиҳаларга айлантириш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва жаҳон бозорига экспорт қилиш борасида тавсиялар берди.

Ҳозирда ТАТУ Нукус филиалидаги иккита факултетда бакалавриятнинг кундузги таълим шаклида еттига, сиртқида учта йўналиш ҳамда магистратурада учта мутахассислик бўйича жами 1870 нафар талаба таҳсил олмақда. Фаолият олиб бораётган 71 нафар ўқитувчининг тўрт нафар фан доктори ва профессор, 18 нафари фан номзодидир.



АКТ вазирининг кейинги манзили Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали ҳузуридаги IT техникуми бўлди. Бу ерда Ш.Шерматов ўқувчилар учун яратилган имкониятларни кўздан кечирди.

Шунингдек, ўқув жараёнларида илгор педагогик усулларни, ахборот-коммуникация ва рақамли технологияларини қўллаш орқали ёшларнинг илмий салоҳиятини ошириш бўйича таклифлар берилди.

Техникум 360 ўринга мўлжалланган бўлиб, ўқув хоналари, лаборатория, компьютер синфларини ўз ичига олади. Ҳозирги кунда бу ерда 17 нафар ўқитувчи ўқувчиларга дарс бермоқда.



ЖАҲОН БАНКИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН ОНЛАЙН МУЛОҚОТ

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги раҳбар-ҳодимлари ва Жаҳон банки вакиллари ўртасида онлайн учрашув бўлиб ўтди.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Жаҳон банки билан ҳамкорликда бир нечта лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Учрашув давомида соҳани янада такомиллаштиришга қаратилган долзарб масалалар ва истиқболли йўналишлар муҳокама қилинди. Томонлар лойиҳаларни ҳамкорликда самарали давом эттиришга тайёр эканлигини билдирди.

Навий вилояти

УЧРАШУВ

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Навий вилояти ҳудудий бошқармаси раҳбарияти АКТ соҳаси корхоналарида фаолият юритаётган ёшлар билан учрашди.

Мазкур учрашув норасмий шаклда табиат кучоғида ўтказилди. Ёшлар билан очиқ мулоқот уюштирилиб, учрашув давомида уларни қизиқтираётган саволларга жавоблар берилди. Шунингдек, истеъдодли ёшларнинг чиқишлари ташкил этилди.

FIFA 22 VA COUNTER STRIKE 1.6

КИБЕРСПОРТ МУСОБАҚАЛАРИДА ЮЗЛАБ ЁШЛАР ҚАТНАШДИ


Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтакўпир туманидаги “Ғарезсизлик” маҳалласида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида киберспорт мусобақаларининг туман босқичи ўтказилди.

Тумандаги Информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабда FIFA 22 ва Counter Strike 1.6 йўналишлари бўйича бўлиб ўтган ушбу тадбирда юзга яқин ёшлар иштирок этди.

Мусобақа сўнгида иштирокчилар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Эслатиб ўтамиз, яқинда IT-мактабнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида АКТ вазирлиги томонидан замонавий компютерлар тақдим этилган эди.

bankxizmatlari.uz



БАНК ХИЗМАТЛАРИ ПОРТАЛИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Тижорат банкларининг хизматларидан фойдаланишда жисмоний шахслар ўзларига мақбул ва фойдали молиявий хизматни танлаш бўйича оқилона қарор қабул қилишлари учун қулайликлар яратиш мақсадида www.bankxizmatlari.uz ахборот портали ишга туширилди.

Портал фойдаланувчиларга тижорат банклари томонидан жисмоний шахслар учун таклиф этилаётган молиявий хизматлар (кредитлар, омонатлар, валюталарни айирбошлаш, халқаро пул ўтказмалари ва бошқа хизматлар)ни излаш, улар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш, шунингдек, молиявий хизматларни ўзаро таққослаш ҳамда дастлабки ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконини беради.

Ушбу ахборот портали нотижорат ва ижтимоий лойиҳа бўлиб:

- тижорат банклари молиявий хизматларининг ягона маълумотлар базасини шакллантириш;
- кунлик энг яхши таклифлар билан танишиш;
- танланган шартларга мос, қулай молиявий хизматлар тўпламига эга бўлиш;
- истеъмолчининг вақтини тежаш;
- молиявий хизматлар оммабоплигини ва аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш каби қатор масалаларни ҳал этишга хизмат қилади.

Ахборот портали тест тартибида ишга туширилаётган бўлиб, келгусида фойдаланувчилардан келиб тушадиган таклифлар ва эътирозлар асосида янада такомиллаштирилиб борилади.

Рейтинг

АКТ СОҲАСИ ВАКИЛЛАРИ ЕТАКЧИ

“Юксалиш” умум-миллий ҳаракати Ижтимоий ва иқтисодий ташаббуслар институти билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг 40 ёшгача бўлган истиқболли ёш раҳбар кадрлари рейтингини эълон қилди.

Биринчи босқичда фуқаролик жамияти, таҳлил марказлари ва ОАВ вакиллари билан иборат экспертлар ёш раҳбарларнинг ўз соҳаларида стратегик мақсад ва натижаларга эришганлик бўйича фаолиятини баҳолашди. Бунда номзодларнинг маълумоти, раҳбар сифатида жамоатчилик орасида танилганлиги, ижтимоий тармоқлардаги фаоллиги, ислохотлар жараёнидаги иштироки ва таъсир даражаси ҳамда шахсий ва касбий ютуқлари инобатга олинди.

Иккинчи босқичда турли соҳа экспертларининг овози тўпланди. Яқиний босқичга ўтган бодан зиёд номзодлар орасидан энг кўп овоз олган 40 ёшгача бўлган энг яхши 40 нафар раҳбар танлаб олинди.

Рейтингга кўра, унда ахборот технологиялари соҳасида фаолият юритаётган раҳбарлар етакчилик қилмоқда. Улар қуйидагилар:

1. Олег Пекос, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг биринчи ўринбосари – 33 ёшда;
2. Жамшид Эгамбердиев, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ўринбосари – 39 ёшда;
3. Ҳилола Умарова, Президент ҳузуридаги таълим муассасалари директори, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-комму-

40 YOSHGACHA BO'LGAN	TOP-40	ISTIQBOLLI RAHBARLAR	YUKSALISH	TASHABBUSLAR INSTITUTI
 Akmaljon Davlatov 33 yosh Kommunikatsiya va axborot texnologiyalarini rivojlantirish vazirligi	 Akil Fayzullayev 36 yosh O'zbekiston Respublikasi Davlat boshqaruvi	 Abdulkadir Qodirov 34 yosh Kommunikatsiya va axborot texnologiyalarini rivojlantirish vazirligi	 Abdullatif Abdullayev 34 yosh O'zbekiston Respublikasi Davlat boshqaruvi	 Akmaljon Davlatov 33 yosh Kommunikatsiya va axborot texnologiyalarini rivojlantirish vazirligi

никация технологияларига йўналтирилган фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослашган мактаб директори – 33 ёшда.

4. Фарҳод Ибрагимов, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технопарк (IT-Парк) директори – 35 ёшда;

5. Музаффар Жалолов, Тошкент шаҳридаги ИНХА университети ректори – 35 ёшда;

6. Бобур Абдуллаев, Тошкент шаҳридаги Амрити университети директори – 33 ёшда.

Бугунги рақамлаштириш даврида давлат хизматига ёш кадрларни жалб этиш

долзарб вазифалардан бўлиб турибди. Бу, айниқса, аҳолисининг қарийб 18 миллиони ёшларни ташкил этадиган Ўзбекистон воқелигини даҳшатлидир. Келгуси ўн йил ичида меҳнатга лаёқатли аҳоли сони яна 12 фоизга ошиши кутилмоқда. Ёш кадрларни раҳбарлик лавозимларига илгару суриш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш турли соҳаларда инновацияларни жорий этишга, бошқарувда янги ёндашишга ва замонавий усулларни қўллашга кенг имкон яратади, дейилади “Yuksalish” умум-миллий ҳаракати матбуот хизмати хабарига.


Семинар

ПРОФЕССОР-
ЎҚИТУВЧИЛАР
ТЕХНОПАРКДА

IT-Парк Қашқадарё вилояти ходимлари томонидан Тошкент кимё-технологиялари институти Шаҳрисабз филиали профессор-ўқитувчилари учун семинар ташкиллаштирилди.

Тадбир давомида IT-Парк филиали ва IT-марказлар фаолияти, ҳар бир IT-мутахассис учун очик бўлган имкониятлар, 2021 йилда эришилган ютуқлар ва 2022 йилги чора-тадбирлар тўғрисида тушунтириш бериб ўтилди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, вилоятдаги бир неча олий ўқув муассасаларида IT-инкубация марказлари очилган. Бу ерда АКТ вазирлиги Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси, олий ўқув юрғлари муассасалари раҳбарияти, Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали, IT-Парк дирекцияси ҳудудий вакиллари, профессор-ўқитувчи-



лар ва талаба ёшлар ўртасида қизиқарли учрашувлар режа-тадбир асосида ташкил этиб келиняпти. Тадбир доирасида ТАТУ Қарши филиали мутахассисларининг илмий тадқиқот ишлари лойиҳалари, дастурий ишланмалари ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида олиб борилаётган ишлар бўйича тақдимотлар бўлиб ўтмоқда.

Инкубация маркази ўз олдида илғор стартап гоилар ва инновацион ишлар мониторингини олиб бориш, танлаш ва инкубация қилиш, ёшлар стартап жамоаларини шакллантириш, лойиҳа фаолиятига тайёрлаш бўйича инновациялар соҳасидаги ёшлар ташаббусларини аниқлаш, талабалар, докторантлар ва ёш олимларнинг илмий тадқиқот ва инновацион ишланмаларини ривожлантиришга кўмаклашиш каби вазифаларни кўйган. Марказлар ўқув хоналари замонавий компютерлар ва зарур ахборот-коммуникация жиҳозлари билан таъминланган.

Семинар қатнашчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar" нинг Қашқадарё
вилоятидаги муҳбири

СУНЬИЙ
ИНТЕЛЛЕКТ

маиший-ҳаётий эҳтиёждан
таълим эҳтиёжига айланиши керак



Бутун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари кенг татбиқ этилмоқда. Интернет тармоғи жамият ҳаётининг турли соҳаларига кириб келиши билан "жамиятни рақамлаштириш", "электрон ҳукумат", "электрон савдо", "ақлли шаҳар", "ақлли тиббиёт", "рақамли иқтисодиёт", "сунъий интеллект" каби атамалар бугун ҳеч кимни ажаблантirmай кўйди. Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шартлиги кундан кунга яққолроқ намоён бўляпти.

Бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини берувчи замонавий ахборот технологияларини аввало одамлар тушунишлари керак. Чунки ҳар қандай илм-фаннинг истеъмолчиси ва ижро этувчиси биринчи навбатда оддий кишилардир. Ҳозирда электрон ҳукумат, электрон савдо каби қулайликлардан қўлчилгимиз фойдаланамиз ва бу тушунчалар турмуш тарзимизга жадал сингиб бормоқда. Энди эса сунъий интеллект ва унинг таълимдаги ўрни ҳақидаги саволларга ҳам аста-секин қизиқиш билдирилмоқда.

Сунъий тафаккур атамаси кўплаб таърифларга эга бўлиб, умумлаштирилган ҳолда уни инсоннинг мангикий ва ижодий функцияларини бажарувчи интеллектual сунъий тизим деб аташ мумкин. Табиийки, сунъий интеллект замонавий таълим соҳаси учун ҳам жуда муҳим. У, биринчи навбатда, таълим олиш учун тўсиқларни камайтиради, бошқариш жараёнларини автоматлаштириб, педагогларни ортиқча қоғозбозликдан халос этади.

Масалан, фарзандингизнинг математикадан ўзлаштириши қийин бўляпти. Бу ҳар қандай ота-онани ташвишлантириши табиий. Шундай пайтда сизга математика фанидан тайёрланган турли иловалар ёрдамидан фойдаланишигиз мумкин. Хусусан, Brainy, Thinkster Math, Netex Learning иловалари ўқувчиларга мактабдаги топшириқларни муҳокама қилишларига, математикадан билимларини мустаҳкамлаш ва интерфаол аудио ва видео материалларни тайёрлашга ёрдам беради. Пировардида, чорак охирида болангизнинг математикадан ўзлаштириши яхши томонга ўзгаради. Тўғри, бу иловалар ҳали ўнчалик оммалашмаган, аммо булардан ўқув жараёнида кенг фойдаланиш ўқитувчининг илмий салоҳиятига боғлиқ.

Умуман олганда, ҳозир ўқувчилар учун нафақат математикадан, балки барча фанлардан сунъий

интеллектни назорат қилувчи индивидуал дастурлар ишлаб чиқиш, уларнинг дарсларини тизимли назорат қила оладиган ишланмалар устида ишлаш устувор вазифага айланиши керак. Бир хил дарсликлардан фойдаланиб, бир хил топшириқларни бажариш иқтидорли ўқувчиларни зериктириб қўяди. Рақамли олам эса ўқитувчиларга ўқув жараёнини индивидуаллаштиришга ёрдам беради. Биринчидан, сунъий интеллект ўқувчига махсус дастурлардан фойдаланган ҳолда янги билимларни қулай шароитда ўрганиш имконини беради, иккинчидан, ота-она ва ўқувчиларга ўзига хос кўмақчига, айтиш жоиз бўлса, мураббийга айланади. Учинчидан, боланинг очилмаган янги-янги истеъдод қирраларини кашф этади.

Бундан ташқари, рақамли таълимда сунъий интеллект орқали давлат таълим стандартларига асосланиб ёзма иш ва имтиҳонларни тўлиқ текшириш мумкин. Сунъий интеллект билимларни баҳолаш тизимини автоматлаштириб, инсон омилини четга суради. Машаққатли уй вазифаларини текшириш, тестларни баҳолаш ташвишларини енгиллаштиради. Мактабда сунъий интеллектни қўлланишга яна бир кўриниши ўқувчилар юриш-туришларини камералар орқали кузатиш ва хатти-ҳаракатларини таҳлил қилишдир. Демак, таълимни рақамлаштириш тартиб-интизомга кўмаклашади.

Дунёда барча соҳаларда рўй бераётган глобаллашув, рақамлашган дунё, пандемия, сунъий интеллект онлайн таълимни ривожлантириб юборди. Ҳозир, албатта, анъанавий таълимни инкор қилмаган ҳолда, қисқа курслардан тортиб олий таълимгача сунъий интеллект орқали билим олиш мумкин. Ҳар бир бола ўз қизиқлишларига қараб маълум онлайн курсларда қатнашиши, сунъий тафаккур бугунги кун эҳтиёжига айланиши барча соҳа мутахассислари ҳам, педагоглар ҳам,

ота-оналар ҳам бирдек тушуниб етишлари лозим.

Айни кунда ривожланган давлатлар таълим бозорига сунъий интеллект катта улушга эга. Масалан, Буюк Британияда PhotoMath иловаси мавжуд бўлиб, у орқали математика фанидан берилган мисолларга ўқувчилар мустақил жавоб топа олади. Бунинг учун мобил қурилманинг камераси масала устига қўйилса, жавоби экранда ишлаш йўллари билан чиқиб келади. Ўқитувчининг кимё ва биологиядан жонли лаборатория ишларини мактабда кўрсатса, қолган топшириқларни уйда сунъий интеллект орқали бажариши мумкин.

Келтирилган мисоллардан хулоса қилсак, сунъий интеллект таълимнинг сифатини таъминлайди, ҳамма учун оммабоп бўлади, шунингдек, ўқитувчи-репетитор вазифасини бажаради. Уни доимий ўқувчининг ёнида юрвчи сунъий устоз десак, ҳеч муболага бўлмайдми. Айниқса, қўл телефонлари оммалашган бугунги кунда мобил иловалар истиалган вақтда фойдаланиш ва тушунарсиз мавзунинг турли усуллар билан қайта тушунтириш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда, инсоният сунъий интеллектдан алдақачон фойдаланишни бошлаган. Турли ижтимоий тармоқлари, сайтлар, маълумотлар омборлари ва қидирув, интернет дўконлар – барчаси кундалик фаолиятимиз бир қисмига, эҳтиёжимизга айлантиришда қолди. Ҳали бу борада олимларимиз кўп ишлаши, ўқитувчиларни янгича ишлашга ўргатиш, таълим раҳбарларининг рақамли саводхонлигини ошириш устида тинмай иш олиб бориш керак. Шунда кўзланган мақсадларимизга эришимиз осонлашади.

Мирлазиз АКБАРОВ,
Паркент туманидаги
2-сонли касб-ҳунар мактаби
информатика фани ўқитувчиси

ИТОГИ 2021 ГОДА: КОЛИЧЕСТВО ИТ-КОМПАНИЙ РЕЗИДЕНТОВ ИТ-PARK СОСТАВИЛО БОЛЕЕ 500

По итогам 2021 года, количество резидентов ИТ-Park составило 523 компании. Данные резиденты осуществляют деятельность в следующих сферах:

- разработка программного обеспечения;
- обработка данных;
- автоматизация бизнес-процессов;
- обучение ИТ, а также экспорту информационных технологий.

Примечательно, что из 523 компаний:

- 431 резидент приходится на город Ташкент, остальные 92 резидента зарегистрированы в регионах;
- 104 компании были созданы в 2021 году;
- 78 компании оказывают образовательные услуги в сфере ИТ;
- 18 компаний созданы с участием иностранного капитала;
- 104 компании являются экспортерами, из них 59 компаний в сфере разработки.

Статус резидента ИТ-Park

В прошлом году, статус резидента ИТ-Park получили 221 компаний, 124 компании были лишены данного статуса, а 88 компаниям был дан отказ на получение данного статуса.

Объем оказанных услуг и экспорт резидентов

В отчетном периоде, общий объем услуг, оказанных резидентами, составил 2,5 трлн.



сумов, а объем экспорта услуг – 46 млн. долларов США.

При этом, 83,2% экспорта резидентов приходится на США, остальные на Великобританию, Корею, СНГ и ОАЭ. Ожидается, что объем экспорта к концу 2022 года достигнет 80 млн. долларов США.

Кроме того, благодаря предоставляемым льготам, резиденты ИТ-Park создают дополнительные рабочие места и увеличивают количество ИТ-специалистов в нашей стране. Так, на конец 2021 года в компаниях резидентов было трудоустроено 9 850 человек.

META МОЖЕТ ОГРАНИЧИТЬ РАБОТУ FACEBOOK И INSTAGRAM В ЕВРОПЕ

Meta рассматривает возможность закрытия Facebook и Instagram в Европе, если не сможет продолжать передавать данные пользователей обратно в США.

В настоящее время регулирующие органы в Европе разрабатывают новое законодательство, которое будет определять, как пользовательские данные граждан ЕС будут передаваться через Атлантику.

«Если новая структура трансатлантической передачи данных не будет принята и мы не сможем продолжать полагаться на SCC (стандартные договорные положения) или полагаться на другие альтернативные средства передачи данных из Европы в Соединенные Штаты, мы, вероятно, не сможем предложить ряд наших наиболее значимых продуктов и услуг, включая Facebook и Instagram, в Европе», заявила Facebook.

«Meta не может просто шантажировать ЕС, заставляя его отказаться от своих стандартов защиты данных», — заявил европейский депутат Аксель Восс в Twitter, добавив, что «выход из ЕС будет для них потерей». Восс участвовал в подготовке некоторых из законов ЕС о защите данных.

Представитель Meta сообщил CNBC, что у компании нет желания и планов уходить из Европы. «Но реальность такова, что Meta и многие другие предприятия, организации и службы полагаются на передачу данных между ЕС и США для работы глобальных служб», отметил он.

TOSHIBA БУДЕТ РАЗДЕЛЕНА НА ДВЕ КОМПАНИИ

Компания Toshiba официально представила обновленную информацию о стратегической реорганизации. Напомним, предварительно, в конце прошлого года, планировалось разделение на три независимых структуры.

Однако уточненный план включает в себя безналоговое отделение компании Device Co., в результате чего будут созданы две самостоятельные структуры с более гибким управлением и с более экономичной оправданной структурой затрат.

Совет директоров Toshiba определил, что самый быстрый, эффективный и действенный способ обеспечить устойчивый рост, повысить акционерную стоимость и убедительные преимущества для клиентов, деловых партнеров и сотрудников — продолжить разделение на две самостоятельные компании.

Первая из образованных компаний, с условным названием Toshiba / Infrastructure Service Co., будет включать подразделения Toshiba Energy Systems & Solutions, Infrastructure Systems & Solutions, Digital Holdings и Battery, а также доли Toshiba в Kioxia Holdings.

В эту компанию войдут продукты и услуги, включающие производство, передачу и распределение электроэнергии, возобновляемые источники энергии, управление энергопотреблением, системные решения для общественной инфраструктуры, железных дорог и промышленности, а также ИТ-решения для государственных учреждений и частных компаний.

Структура второй компании – Toshiba / Device Co. – остается неизменной по сравнению с объявлением от 12 ноября 2021 г. В нее войдет подразделение Toshiba Electronic Devices & Storage Solutions, продукция которой включает силовые микросхемы, оптические полупроводники, аналоговые интегральные схемы, жесткие диски большой емкости для центров обработки данных и оборудование для производства полупроводников.

БАНКОМАТЫ НУМО НАЧАЛИ ПОДДЕРЖИВАТЬ БЕСКОНТАКТНОЕ СНЯТИЕ ДЕНЕГ

Банкоматы НУМО теперь могут работать бесконтактным способом, сообщила пресс-служба оператора.

Для снятия наличных необходимо вставлять банковскую карту в слот. Достаточно коснуться картой сенсора NFC, ввести ПИН-код и нужную сумму.

Сейчас оператор занимается подключением банкоматов к системе. Перед использованием бесконтактного способа нужно проверить его доступ-



ность в данном банкомате, подчеркивается в сообщении. Для этого сканер NFC должен быть подсвечен.

Внедрение бесконтактных

платежей в Узбекистане ведется уже несколько лет в рамках модернизации платежной инфраструктуры. Так, запущенная в мае 2019 года система НУМО выделялась именно поддержкой бесконтактных платежей.

UZCARD, в свою очередь, представила NFC-терминалы и также организовала выпуск карт с бесконтактной оплатой. Позже запустили платежи в формате Tap-to-Phone — через смартфоны с NFC-модулем в качестве терминалов.

РОССИЯ ОТПРАВИТ В УЗБЕКИСТАН И КАЗАХСТАН «ЦИФРОВЫХ АТТАШЕ»


С 2022 года в торговых представительствах России в Узбекистане, Казахстане и ещё 14 странах появятся «цифровые атташе», пишет «Коммерсант» со ссылкой на правительство.

Новые сотрудники займутся продвижением российских ИТ-продуктов за рубежом. Также они будут оказывать ИТ-компаниям из России консультационную и юридическую поддержку.

Создание института «цифровых атташе» входит в перечень мер поддержки российской ИТ-отрасли, утверждённый в сентябре 2021 года. На первом этапе они появятся в 16 странах — кроме вышеуказанных, сюда входят Германия, Индия, Иран, Турция, ОАЭ и другие.

По словам вице-премьера Дмитрия Чернышенко, к концу 2024 года «цифровые атташе» будут работать уже в 28 странах. Они должны иметь высшее образование, знать язык страны пребывания и законодательство в сфере торговли, а также разбираться в ИТ-сфере.

Подбором персонала занимается Министерство цифрового развития. Оно совместно с Минпромторгом и Российским фондом развития информационных технологий отвечает за работу «цифровых атташе».



НАВОЙИ ДАҲОСИГА ЭҲТИРОМ



Аҳмад Фаргоний номидаги Фаргона вилоят ахборот-кутубхона марказида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 581 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари, Шарқий ҳарбий округ аскарлари ва офицерлари, “Ўзбектелеком” АК Фаргона филиалининг бир гуруҳ ходимлари иштирок этди. Тадбир ҳақида муфассал тўхталиб ўтирмай, қатнашчиларнинг ушбу тадбирдан олган таассуротларини ҳавола қилишни маъқул кўрдик.



Муроджон АЗАМОВ, “Ўзбектелеком” АК Фаргона филиали бошланғич касабқўл раиси:

– Менда Фаргона давлат университети ўқитувчиси, филология фанлари номзоди, доцент Маҳфузullo Раҳмонов ҳамда филология фанлари номзоди Набижон Солиевларнинг маърузалари жуда катта таассурот қолдирди. Олимларимиз Алишер Навоий ижоди океанларга қиёс қилгули маънавий ҳазина эканлиги, ундан фақат “бир пақир”ни олганимиз, ҳали келажақда асрлар мобайнида унинг ижодиятини ўрганиб, тушунарли тарзда халққа етказиш борасида навоийшунос

олимларни улкан вазифалар кутиб турганлиги ҳақида куйиниб сўзладилар. Шундай экан, биз Навоийни қанчалик биламиз ва аслида қай даражада билмоғимиз шарт. Шу нарса мени анча ўйлантириб қўйди. Агар жуда кичик ёшдан улуғ аждодимиз тўғрисида керакли маълумотларга эга бўлганимизда эди, балки, ҳаётимиз ҳозиргидан яхшироқ бўларди, деган хулосага келдим.

Алишержон МУҲАММАДЖОНОВ, филиалнинг бюджетни режалаштириш бўлими 1-тоқсонида иқтисодчиси, Фаргона “Заковат” клуби аъзоси:

– Мен ҳам тадбирда заҳматкаш олимларимизнинг чиқишларини мириқиб тингладим. Мактабда ўқиб юрган кезларимда ҳам, Фаргона давлат университетининг иқтисодий факултетида таҳсил олган йилларда ҳам мени Алишер Навоий асарлари билимдони деб билишарди. Шунга қарамай, тадбирда Навоий ижод уммонини ниҳоятда кам билишимни англадим ва ўзим учун зарур хулосалар ясадим. Айниқса, менга ёққани шуки, маърузабозлик тарзида эмас, балки жонли, кўтаринки руҳдаги чиройли мулоқот бўлди. Қатнашчиларнинг руҳи кўтарилиб, ҳамманинг Навоийга нечоғли қизиқиши, севиши баралла намоён бўлиб турди. Фаргона санъат мактаби ўқувчиларининг Навоий ғазалларига битилган қўшиқларини ва сахна кўринишларини зўр маҳорат билан ижро этишгани ҳам эсда қоладиларди. Викторинада фаол қатнашдим ва шоира Мамлакат Ўқтамнинг шеърлар тўпламини ютиб олдим. Бу менга нафақат қувонч, балки икки ҳисса масъулият ҳам юкледи. Зотан, Алишер исмиمنى оқлашни зарур.



“UNICON.UZ” давлат унитар корхонасида буюк мутафаккир, шоир, давлат арбоби, ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси Мир Алишер Навоий таваллудининг 581 йиллиги ҳамда шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 539 йиллигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейининг катта илмий ходими Юсуф Турсунов ҳамда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Зуҳра Ашуровалар иштирок этиб, корхона жамоасига шоирнинг ҳаёти, ижоди, фалсафий қарашлари ҳақида қизиқарли маълумотлар беришди.


– Навоийни биз нима учун буюк мутафаккир деб тилга оламиз? – дея саволмуз гап бошлади Юсуф Турсунов. – Гап шундаки, мутафаккирлик ҳамма ижодкорга ҳам насиб этавермайди. Навоийнинг асарларида биринчи ўринда инсон, инсон тақдири, унинг ҳаётини фалсафаси ётади. Навоий бобомиз нафақат ўзбек шоири, балки жаҳон шоири ҳамдир. Кўплаб чет давлатларда Алишер Навоийнинг ҳайкали ўрнатилган. Бунинг сабаби ўзбек халқига хушомад қилиш эмас, балки Навоийни мутафаккир сифатида тан олганликларидир. Навоий Қуръони Каримни, саҳиҳ хадисларни мукаммал билган, уни асарларида сингдира олган. Шунинг учун Навоий қалбимизга жудаям яқиндир. Шоирнинг асарларини биз қанчалик кўп ўқисак, қанчалик кўп билсак, шунчалик одаминг бўлиб бораверамиз.

Тадбир сўнгида Навоий қаламига мансуб ғазаллар ва шеърлар ёдга олинди.

Солижон ЗОИРОВ,
“Xabar” мухбири.
Муаллиф олган суратлар.

Худди шундай тадбир “Ўзбекистон почтаси” АЖ Фаргона филиалида ҳам ўтказилди. Анъанага кўра тадбирда Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Фаргона филиали илмий котиби Муродил МИРЗАЕВ маърузаси тингланди.

Нотиқ Алишер Навоийнинг буюк шахсияти, бетакрор мислсиз маънавий мероси ҳақида ниҳоятда қизиқарли маълумотлар берди. Айниқса, ҳазрат Навоий тафаккур дунёсини файласуфна талқинлангани кутилмаган ҳодиса бўлгани рости. Нима учун Навоий “Хамса”ни шошилч равишда етти ойда ёзиб тугатди? Нотиқ ўзи қўйган саволларга ҳам атрофлича жавоблар келтирди. Сабаби тахт талашаётган шахзодаларни (барча амалдорларни ҳам) тарбиялаш, илму фанга муҳаббат уйғотиш эди! Эгри ниятлардан буткул тавба қилиш, бир касбу хунарга эга бўлиш, шубҳали ишлардан сақланиш, шарият аҳкомларини сўзсиз адо этиш, ахлоқ ва одобда барчага ўрнак бўлиш, эзуликка ҳидоят қилиш, сабр, шукр каби гўзал хислатлар соҳиби, тақводор бўлишга даъват эди бу дostonлар. Яна бир сабаби шу эдики, миллий тилни, туркий тилини сақлаб қолиш шарт эди. Зеро, миллий тилсиз давлат тузилмаси бўлиши асло мумкин эмас, араб ва форс тиллари бостириб кириб келаётган йилларда туркий тилда яратилган бебаҳо асарлари оламшумул аҳамият касб этди. Шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур даврида ва кейинчалик ҳам мадрасаларда шахзодалар ва талабаларга, бўлғуси амалдорликка номзодларга диний асарлар қаторида “Хамса” асари ҳам дарслик сифатида мажбурий ўтилган. Бинобарин, дин руҳониятидан озикланган адабиётнинг



қудратли кучидан баҳрамандлик покланишга, гўзал ахлоқни касб эттириб, ёмон ишлардан буткул парҳез қилишга чорлаган.

Улуғ мутафаккирнинг шахсий ҳаётга бир он ҳам фурсати бўлмагани, ҳозир долларга чаққанда 5 млрд. доллар маблағини ҳам толиби илмларнинг таҳсилга харжлагани каби (ҳатто Хусайн Бойқаро ҳам ундан қарз олиб турган) мисоллар келтирди.

Нотиқ суҳбати сўнгида болаларга боғча ёшидан Алишер Навоий бобомизни танитиш кераклиги тўғрисида гапирар экан, менинг шахсий фикрим шуки, миллийлик руҳи йўқолиб қолишдан қўрқмай, имкон қадар уни сақлаган ҳолда Навоий асарлари асосида бутун дунё болажонларига мўлжалланган кўплаб мултфилмлар яратишга киришиш вақти аллақачон етган ва лидерликка интиланлар эса марҳамат қилиб Алишер Навоий асарларини ўқишдан аввал камида битта роман ўқиб, ўқиб чиқсинлар, дея фикр-мулоҳазаларини аюқлади.

Хафиза САЛҲОВА,
“Xabar”нинг Фаргона
вилоятидаги мухбири



ДИЕТОЛОГГА ТАШРИФ БУЮРИШ УЧУН 4 САБАБ

Мутахассисга ташрифни кечиктириш керак бўлмаган ҳолатлар

Статистикага кўра, замонавий мегалополислар аҳолиси саломатлигига дахлдор бузилишларнинг тахминан 40 фоизи овқатланиш билан боғлиқ. Доимий психологик зўриқишлар (стресс), ҳиссий чарчоқ ва ноқулай яшаш шароитлари – буларнинг барчаси биз тезда вазн оширишимизга ёки уни тезда йўқотишимизга олиб келади. Бироқ, стресс овқатланиш соҳасидаги муаммоларнинг ягона сабаби эмас. Шу боис, қуйида қачон ихтисослашган мутахассис – диетологга ташриф буюриш ва муаммони ҳал қилиш кераклиги ҳақида сўз юритамиз.

Сменали ишда ишлайсизми?

Агар одатдаги жадвалда ҳар доим овқатланиш учун маълум вақтни созлашингиз мумкин бўлса, сменада ёки ўзгарувчи жадвалда ишлаш камдан-кам ҳолларда сизга бундай имкониятни беради. Агар сиз тунда ишласангиз, бу тана учун энг ёмони. Мия аста-секин уйқуга тайёрланмоқда, сиз эса иссиқ ўринга ётиш ўрнига ишга отланасиз ва бу асабни зўриқтириши табиий. Танангиз учун ғайриоддий ритмга мослашиш жуда қийинлигидан ташқари, у ҳали ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашга энергия сарфлаши керак. Бундай вазиятда сиз овқатланишнинг исталган турини осонгина танлашингиз мумкин, шунингдек, юрак-қон томир тизими касалликларига дуч келиш имконияти мавжуд. Ўз вақтида овқатланиш бўйича мутахассисдан ёрдам сўрашни кечиктирманг, у оптимал овқатланиш жадвалини тузиб беради.

Она бўлмоқчимисиз?

Аёллар организм учун ҳомиладорликнинг ўзи катта стресс бўлиб, бу даврда у икки барабар кўпроқ озуқа моддаларига муҳтож. Аммо муаммо шундаки, кўплаб аёллар ушбу маслаҳатни том маънода тушунишди ва ҳомила учун озуқа моддалари етказиб бермайдиган ҳамда фақат бўлгуси онанинг вазнига салбий таъсир кўрсатадиган икки барабар кўп овқат ейишни бошлайдилар. Ушбу нозик даврда муаммоларга дуч келмаслик учун сиз дан-

гасалик қилмаслигингиз ва овқатланиш мутахассиси билан учрашингиз керак.

Вазннинг кескин ўзгариши билан курашяпсизми?

Диетолог билан боғланишнинг энг жиддий сабабларидан бири бу вазннинг кескин ўзгаришидир. Ва нормадан оғиш қайси йўналишда бўлиши муҳим эмас. Албатта, агар биз анорексия (вазн йўқотиш ёки вазн ортисининг олдини олиш учун беморнинг ўзи томонидан қасддан келиб чиққан ва (ёки сақланиб турадиган тана вазнининг сезиларли даражада пасайиши билан тавсифланган овқатланишнинг бузилиши. Кўпинча қизларда учрайди), булимия (иккита асосий белги билан тавсифланган овқатланишнинг бузилиши: 1. ортиқча овқатланиш учун тоқат қилиб бўлмайдиган истак. 2. тана вазни кўпайишининг олдини олиш учун қасддан оч қолиш) ёки озиқ-овқат маҳсулотларини истезьмол қилиш устидан назоратни йўқотиш ҳақида гапирадиган бўлсак, биринчи мутахассис психоталчилчи бўлиши керак, у маълум бир ҳолат учун янги овқатланиш схемасини тузадиган диетолог билан ҳамкорликда ишлайди. Вазннинг одатдагидан ошиб кетганини ва вазият ёмонлашётганини сезганингизда, бунга эътибор беришни унутманг, чунки бу муаммони қанчалик тез ҳал қилсангиз, ҳаётнинг одағий ритмига қайтишингиз осонроқ бўлади.

Ёшингиз қирқдан ошдимми?

Ҳеч кимга сир эмаски, ёшга қараб метаболизм секинлашади, демак, сиз диетангиздаги ўзгаришларга тайёр бўлишингиз керак. Ҳар бир одам ўзининг сеvimли маҳсулотларидан, ҳозат фойдали бўлмаса ҳам, осонликча воз кеча олмайди. Тарки одат – амри маҳол, деб бекорга айтилмаган. Ваколатли овқатланиш мутахассиси сизнинг диетангизга танангиз норозилик билдирмайдиган янги овқатларни мулоимлик билан киритиш орқали ушбу муаммони ҳал қилишга ёрдам беради.


Муваффақиятли тажриба

Neuralink нейрочипи: ГАДЖЕТЛАР ОДАМ МИЯСИГА ЖОЙЛАШТИРИЛАДИ...МИ?

Дунё олимлари томонидан фалаж бўлган одамларнинг имкониятларини тиклашга ёрдам берадиган нейрочип яратилди ва синовдан ўтказилди.

Илон Маск иштирок этган ушбу лойиҳа Neuralink деб аталади. Мазкур технология тирик мия ва компьютер тармоғи ўртасида занжир яратиш ва ҳар икки йўналишда турли хил маълумотларни узатиш имконини беради.

Ушбу технология одамга эшитиш ва кўрликнинг турли касалликларидан тикланишни соддалаштиришга имкон беради. Қурилмада миянинг айрим қисмларини бошқариш ва ундан маълумотларни узатиш имконияти ҳақида ҳам назария мавжуд.



Чип бир неча ой давомида ҳайвонларда синовдан ўтказилди ва яхши натижа кўрсатди.

Тармоқларда Neuralink ишлаб чиқилган технология ва клиник синовларни одамларда синаб кўриш учун номзодларни жалб қилаётгани ҳақида маълумот пайдо бўлди.

Neuralink технологияларининг ривожлантиришдаги асосий мақсад беморнинг, шу жумладан, мия ва орқа миёса шикастланган одамларнинг саломатлиги ва функционалтигини тўлиқ тиклашга ёрдам беришдир. Чунки маймунларда ўтказилган тестлар ижобий натижаларни кўрсатди. Бундан ташқари, чип эгасининг саломатлиги учун мулақо зарарсизлиги ва уни хавфсиз олиб ташлаш мумкинлиги айтилмоқда.

Тажрибаларга кўра, шол одам компьютер ёки смартфонда фикр кучи билан турли хабарларни, ҳатто бармоқлари ёрдамида соғлом одамдан ҳам тезроқ ёзиши мумкинлиги айтилмоқда. Келажакда миёдаги нейрон алоқаларни манипуляция қилиш ва фалаж бўлган одамларнинг имкониятларини тиклаш режалаштирилган.

Тиббиёт соҳасидаги энг мураккаб бу лойиҳа 2016 йилда бошланган эди. Маск барча қийинчиликларга ва кечковларга қарамай, мутахассисларга лойиҳанинг охириги муддатини тезлаштириш талабларини қўйди. Натижада яқунгача олти тадқиқотчидан саккизтаси лойиҳани тарк этди.

Саҳифани У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

<p>Xabar</p> <p>МУАССИС:</p> <p>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEKNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI</p> <p>Bosh muharrir: Abdug'ani ABDURAHMONOV</p>		<p>Tahrir Hay'ati: Sherzod SHERMATOV (Hay'at raisi), Nazirjon HASANOV, Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV, Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Usmonjon YO'LDOSHEV (Mas'ul kotib).</p> <p>Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda "Xabar" dan olinganligi ko'rsatilishi shart</p> <p>Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalanildi. Bahosi kelishilgan narxda.</p>		<p>MANZILIMIZ</p> <p>100000 Toshkent shahri, Amir Temur 1-tor ko'chasi, 2-uy (Mo'ljal Oloy bozori). Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31. Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Obuna indeksi — 228.</p> <p>Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. Dizayner: Asliddin BO'RIYEV. Navbatchi: Solijon ZOIROV.</p>									
<p>Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 0016 raqami bilan 2013-yil 23-iyulda ro'yxatga olingan.</p>		<p>Gazeta haftaning juma kuni chiqadi</p>		<p>Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Manzil: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.</p>		<p>G-259 sonli buyurtma. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-3, hajmi 2 bosma taboq. Adadi: 3130</p>		<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Bosishga topshirildi — 17⁰⁰ Bosishga topshirish vaqti — 24⁰⁰</p>					
<p>Viloyat muxbirlari:</p>		<p>Andijonda (74) 226-47-80</p>	<p>Buxoroda (99)854-7305</p>	<p>Jizzaxda (94) 199-95-64</p>	<p>Namanganda (91) 353-71-25</p>	<p>Navoiyda (79) 225-91-10</p>	<p>Nukusda 554-35-45</p>	<p>Samarqandda (91)557-84-44</p>	<p>Termizda (99)508-30-52</p>	<p>Toshkentda 234-18-59</p>	<p>Urganchda (97) 211-65-05</p>	<p>Farg'onada (73) 244-18-05</p>	<p>Qarshida (93)931-08-99</p>